Араб тарихчиси Ёкут Хамавий: «Мовароуннахрнинг Марв шахрида бўлганимда у ердаги кутубхоналар, улуг донишмандларнинг асарларидан фойдаланишдаги завк-шавк билан бола-чака, ёру дўстларимни хам унутиб юбордим. Марвда илмий ахамиятга эга бўлган кимматли китоблар жуда кўп эди. Мен у ердан кетган вактимда (1220 йилда) вакф килинган, яъни текинга хизмат киладиган ўнта кутубхона бор эди. Дунёда китобининг кўплиги ва яхшилиги жихатидан ундай жойни кўрмаганман. Масалан, Катта Жомеъ (дорилфунун мажмуи)га карашли иккита кутубхона бўлиб, бири Султон Санжар ходимларидан Азизиддин Абу Бакр Занжоний номига кўйилган. Унда ўн икки минг жилдга якин кўлёзма китоблар сакланади». (Машхур файласуф Ибн Кибтийга ёзган мактубидан).

Араб олими Мустафо Хусний: «Ибн Надиймнинг айтишича, Маъмун билан Рум подшохи ўртасида ўзаро алока бор эди. Маъмун уни айрим урушларда маглуб этган бўлиб, ўрталарида тузилган сулхга кўра Рум подшохи ўз хазинасидаги китобларни таржима килишга Маъмун жўнатган одамларга рухсат бериши керак эди. Рум подшохи хам ушбу шартни бажонидил бажаради. Голиб хоким галаба учун миллатининг фарзандларига мамлакатига келтириладиган илмий китоблардан кўра кийматлирок нарсани кўрмади. Тарих сўзлаган бундан хам буюк ходиса борми?». («Ислом хазораси» китоби, Тошкент, 2004 йил).

Бухоролик олим Шарифжон Махдум: «Бухородаги Мозори Шариф дарвозасининг ташкариси «Гулзор»да каландарона хаёт кечирувчи Фозил девона форсий китобларни кўчирадиган кучли хаттотлардан эди. 1803 йилда бир савдогар Хиндистондан Бухорога Мирзо Абдулкодир Бедилнинг ўз кўли билан ёзилган девонини олиб келди. Бу хабар Бухоро амирига хам етиб, у китобни кўриш ва сотиб олиб мулкига айлантириш хавасига тушди. Лекин савдогар уни хар кандай киммат бахога сотишга хам, жуз бандини бузиб нусха кўчиртиришга хам рози бўлмади. Бухорода бир ой туришни режалаган савдогарни кирк кун колишга мажбурлашди. Чунки амир шу муддат ичида ундан бир нусха кўчиртириб олмокчи эди. Хамма ёкка жар солиб, «кайси котиб шу ишни кирк кун ичида уддаласа, минг тилло пул, яна инъом ва хадялар берилиши» овоза килинди. Оз муддатда катта бир ишни бажариш кийинлигидан бирор хаттотнинг нафаси чикмади. Шунда тўсатдан пайдо бўлиб колган Фозил девона бу шартга кўнди. «Гулзор»даги хужрасининг эшигини ёпиб, китобатга киришди. Кирк кун деганда амирнинг одамлари уни тантана билан аркка олиб келишди. У кўрсатилган муддатда икки нусха кўчирган бўлиб, бирини амирга такдим килди, иккинчисини ўзига колдирди. Нусхаларнинг хар бири икки варакли когозга кўчирилган, тахминан 500 га якин жуз (табок) бўлар эди. Амир хаттотга илтифотлар кўрсатиб, бир минг кизил олтин, бош-оёк сарпо, турли хадялар берди. Фозил девона пулга сув лабида бир бино курган эди». («Рисолаи хаттотон» асари кўлёзмаси, 264-бет).

Ўтмишдаги ватандошларимиз ва диндошларимиз китобга бугунги муносабатимизни кўрганда не ахволга тушишаркин?